



## МЕДИАМАЙДОНДА МЕДИАМАРКАЗЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Сабурова Рисолат

Урганч давлат педагогика институти  
талабаси

**Аннотация:** мақолада Янги Ўзбекистонда ОАВ ва медиамарказлар фаолиятига оид амалга оширилаётган ислоҳотлар олиб борилиши, улар фаолиятини қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш тўғрисида манбалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** медиамайдон, инновация, медиамарказ, оммавий ахборот воситалари, ахборот коммуникация, Fasebook, Youtube, “Telegram”, “Одноклассники”.

Мамлакатимизнинг янги тараққиёт босқичида оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш, ижтимоий- иқтисодий ривожланишнинг муаммоли масалаларини ҳал этишда уларнинг ролини оширишга оид ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Янги Ўзбекистонда медиамарказларнинг фаолияти давр талабларига, айниқса инновацион ўзгаришларга мувофиқ ташкил этиш давом этмоқда. Республикализ ҳукуматининг 2021 йил 3 мартағи қарори билан Давлат хизматлари агентлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида Ахборот хизматларини ривожлантириш маркази ташкил этилди. Мазкур янги тизим:

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий масалалар бўйича бепул маслаҳат ва тушунишилар бериш;



- аҳолини фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг кундалик ҳаётини тартибга соловчи қонунчилик хужжатлари ва давлат хизматлари тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш;
- хуқуқий мурожаатларни таҳлил қилиш, хуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилик хужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;
- давлат хизматлари тўғрисидаги маълумотларни ЯИДХПда доимий янгилаб туриш;
- ЯИДХПда давлат хизматларига боғлиқ масалалар бўйича ваколатли давлат органлари ва идораларининг расмий тушунтиришларини жойлаштириш;
- аҳоли мурожаатларини қабул қилиш ва уларни тегишлилиги бўйича идоравий алоқа марказларига йўналтириш каби ахборот коммуникацион вазифаларни бажаради<sup>1</sup>. Шу пайтгача ОАВ ва медиамарказлар тизимида бундай институт йўқ эди. Жамиятнинг объектив хуқуқий ахборотларга бўлган эҳтиёжини малакали тарзда амалга ошириш зарурияти пайдо бўлди, буни фақат маҳсус ахборот тарқатиш институти амалга ошириши мумкин эди. Ўзбекистон Республикасининг “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ти қонунлардан келиб чиқсан тарзда марказга ижодкорлар, ОАВ ва медиамарказлар билан ҳамкорлик қилиш, аҳолига зарур хуқуқий ва ташкилий ахборотларни тез етказиш вазифалари юклатилди. Шуниннгдек, Ўзбекистонда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида 2020 йилда 5 Петабайт сифимли Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш маркази ишга туширилди.

<sup>1</sup> Қаранг: [t.me/Rasmiyxabarlar Official](https://t.me/Rasmiyxabarlar Official)



Натижада маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанлик қобилияти вилоят марказларида 2 баробарига, туман марказларида эса 4 баробарига ошди. 2019-2021 йилларда мобил алоқа абонентлари учун интернет пакетлари (1 Мегабайт учун) нархлари 5 баробаргача арzonлашди ҳамда киритилган интернет трафики ҳажми ўртacha 3-5 мартаға оширилди<sup>2</sup>.

Янги Ўзбекистонда ОАВ ва медиамарказлар фаолиятига оид амалга оширилаётган ислоҳотлар интернет алоқаларга бўлган муносабатни қайта қуришга ундади. Масалан, Олий Мажлис депутатлари ўтган ўн йилликларда мобил телефонлардан фойдаланиши, уни парламентга олиб кириши мумкин эмас эди. Халқаро пресс клуб раиси Ш.Қудратхўжаев эслайди: Мен мобил телефон билан парламент йиғилишига кирдим. Депутатлар билан даврада гаплашиб ўтирувдик, кимдир менга телефон қилди. Телефонни олсан, депутатлар ҳайрон: “Сиз қандай қилиб телефонни парламентга олиб кирдингиз?” дейишиди. “Биз телефон билан киролмаймиз” дейтишиди. Мен “Ахир сизлар ижтимоий тармоқни қандай кузатасиз?” деб сўрадим. Билсан, уларда интернет ҳам чекланган экан. Мана, ўша даврдаги бизнинг ёпиқлигимиз, ҳатто депутатларимиз журналистлардан қочиб юрган давр эди. ОАВ билан гаплашишмаган. Битта иккита одам гаплашган мард бўлиб. Интернетда, ижтимоий тармоқда депутатнинг бўлиши мумкин эмас бўлган. Ва буни улар табиий ҳол деб ўйлашган<sup>3</sup>. Бугун Ўзбекистондаги ОАВнинг сони 1662 ни ташкил этади. Биргина “Telegram” ижтимоий тармоғининг ўзида 18 миллионга яқин аккаунт бор. “Одноклассники” тармоқларида мамлакатимизда 10 миллиондан ошиқ одам фойдаланади<sup>4</sup>. Шунингдек, бугун телеграммда

<sup>2</sup> Қаранг: [http://t.me/Rasmiy\\_xabarlar.Official](http://t.me/Rasmiy_xabarlar.Official)

<sup>3</sup> [http://t.me/Rasmiy\\_xabarlar\\_Official](http://t.me/Rasmiy_xabarlar_Official)

<sup>4</sup> Қаранг: [https://t.me/aoka\\_uz](https://t.me/aoka_uz)



барча давлат органларининг, шу жумладан, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳам, Fasebook ва Youtube да расмий каналлари мавжуд бўлиб, истаган киши уларга кириши, давлат бошқарув идоралари фаолияти билан ҳеч қандай тўсиқсиз танишиши, ўз фикрини билдириши, зарур ахборотлар олиши мумкин. Ёки истаган ўқувчи телеграмм каналидаги “Газеталар шарҳи” канали орқали республикамизда чоп этилаётган газеталардаги материаллар билан танишиши мумкин. Бундай очиқлик, шаффофлик Ўзбекистонни очиқ демократик давлат (бу ҳам унинг бренди) эканини кўрсатади. Бундан ташқари, Республикаизда мутлақ янги шаклдаги 82 779 та электрон оммавий ахборот воситалари 630 та веб сайтлар (улардан 120 таси давлатга қарашли, 510 таси нодавлат веб сайтлари), жами 36 давлат ва 35 нодавлат телевидениеси, 5 давлат ва 32 та нодавлат телерадиокомпаниялари ҳам фаолият юритади. Миллий веб сайтлар сони 80 400 та, хорижий веб сайтлар 2 220 та, хорижий радиоканаллар 19 тадир. Улар Янги Ўзбекистон ва жаҳонда юз берабертган воқеалар ва ўзгаришлар тўғрисида кечаю кундуз хабарлар тарқатади. Шу тариқа Янги Ўзбекистон ОАВ ва медиамарказлари жаҳон медиамаконидан рақобатдош институт сифатида жой олмоқда, энди уларсиз Республикамиз бренини, халқаро имижини тасаввур қилиш қийин.